

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА  
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ А.Салимов

“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил

**«МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР» модулидан**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:                    О. Рахимов**

**Тошкент 2015**

## **Мундарижа**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
Маъруза матни .....	8
1-Мавзу. Инновация тушунчаси, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни.....	8
2- мавзу. Рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини ўрни.....	13
3-Мавзу. Нашрларни босишгача тайёрлаш системасида сифатни назорат қилиш.....	19
4-Мавзу. Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси .....	28
5-Мавзу. Термопластиналарга тасвир ёзиш технологияси.....	38
Глоссарий .....	42

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модули бўйича билим, кўникма, малака ва компетенциялар**

Модул бўйича педагог қуйидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларига эга бўлиши керак:

- матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва технологияларни;
- корхоналардаги техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолатини;
- ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш;
- матбаа ва тўқимачилик кимёси саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни кўллаш;
- компьютерлаштирилган технологияни матбаа ва тўқимачилик кимёси ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилиш;
- соҳада яратилаётган инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;
- матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қадоқлаш жараёнида қадоқланган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш;

## **Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси”, “Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва қасбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулининг олий таълимдаги ўрни**

Модул Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

Ушбу ўқув модулида тингловчининг ўқув юкламаси 14 соат бўлиб, шундан 12 соат назарий машғулотлар, мустақил таълим 2 соатни ташкил этади. Модулда амалий ва қўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

### **Қайта тайёрлаш ва малака ошириш машғулотлари бўйича ажратилган соатлар ҳажми**

№	Мавзу	Машғулот тури		
		Назарий	Амалий	Мустақил таълим
1	Инновация тушунчаси, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни	2	-	-
2	Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини ўрни	2	-	-
3	Нашрларни босишгача тайёрлаш системасида сифатни назорат қилиш	2	-	-
4	Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси	2	-	-
5	Термопластиналарга тасвир ёзиш технологияси	2	-	-
6	Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси	-	-	2
<b>Жами (14 соат)</b>		<b>12</b>	<b>-</b>	<b>2</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Инновация тушунчаси, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни (2 соат)**

Инновация тушунчаси. Инновация ва ишлаб чиқариш узвийлиги. Инновацияни фан техника тараққиётидаги ўрни. Инновациялар самарадорлиги. Қўл меҳнатидан автоматлашган меҳнатга ўтиш босқичлари.

## **2-мавзу: Рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини ўрни. (2 соат)**

Саноат корхоналарини ривожлантиришда илмий интелектуал ишланмалар. Илмий-интелектуал ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга тадбиги натижалари таҳлили. Мамлакатнинг фан-техника соҳасини ривожлантириш. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни шакллантириш.

## **3-мавзу: Нашрларни босишигача тайёрлаш системасида сифатни назорат қилиш (4 соат)**

Нашрларни босишигача тайёрлаш сифатни назорат қилиш. Аналогли цветопробалар. Рақамли цветопробалар. Тасвирларни киритиш ва қайта ишлаш тизими. Цветопроба комплекти элементлари. Стомалинда цветопроба тайёрлаш босқичлари. Ламинирлаш жараёни. Аналогли цветопробанинг афзаллиги. Рақамли цветопробани сканерлаш ва тасвирларнинг қайта ишлаш. Сублимацион принтерларнинг ишлаш принципи. Қоғозга ўтган бўёқ миқдори. Босувчи элементни қиздириш давомийлиги. Цветопробани ишлаб чиқариш жараёнига киритиш вариантлари.

## **4 -мавзу: Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси (2 соат)**

Компьютер - босма қолип тайёрлаш. Корректура нусхалари билан боғлиқ муаммолар. Пластиналарнинг асосий техник хусусиятларига қўйиладиган асосий талаблар. Computer to Plate технологияси. S-t-R технологияси. Босма қолипни тайёрлашнинг технологик цикли. Операторнинг малакасига қўйиладиган юқори талаблар. Пластиналарни экспонирлаш. Қоғоз асосида олинган оффсет босма қолиплар. Босма қолип тайёрлашнинг технологик жараёни. Флексография босиш қолиплари. Пластиналарнинг асосий техник хусусиятлари.

## **5-мавзу: Термопластиналарга тасвир ёзиш технологияси (2 соат)**

Термопластиналарга тасвир ёзиш ускуналари. Термопластиналарга ёзиш ва ишлов бериш технологик жараёни. Лазер билан экспонирлаш. Очилтириш. Термопластиналарни экспонирлаш технологияси. Босма қолипнинг сифати. Дастрлабки куйидириш мосламаси. Очилтирғичнинг қўйилиш темпи. Кўп тусли тасвирнинг растрланиши. Босма қолип тайёрлаш ускуналар комплекси. Термопластиналар экспонирлаш энергияси.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

## Календар режа

№	Мавзу	Машғулот тури		
		Машғулот тури	Соати	Ўтказиладиган муддати
1	Инновация тушунчаси, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни	назарий	2	4-хафта
2	Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини ўрни	назарий	2	4-хафта
3	Нашрларни босишгача тайёрлаш системасида сифатни назорат қилиш	назарий	4	4-5-хафта
4	Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси	назарий	2	5-хафта
5	Термоластиналарга тасвир ёзиш	назарий	2	6-хафта
6	Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси	мустақил	2	6-хафта
Жами (14 соат)			14	

## Адабиётлар

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”. 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”. 2011.-440 б.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар.**

1. Гельмут Кипхан. Энциклопедия по печатным средствам информации. М., «Мир книги», 2003. 264 стр.
2. М.Усманов. Брошюралаш - муқовалаш жараёнлари технологияси.
3. Т.ТТЕСИ, 1999 й. 1846.
4. Д.С.Набиев, И.А.Набиева. Целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш технологияси. Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти”, 2010. - 256 б.
5. М.Примкулов, F.Рахмонбердиев. Целлюлоза ва қофоз технологияси. “Фан ва технологиялар”. 2009. - 167 б.
6. F.P.Рахмонбердиев, М.Т.Примкулов, Ю.Т.Тошпўлатов. Қофоз технологиясининг асослари. –Т., “Алоқачи”, 2009.-404 б.
7. М.Примкулов, F.Рахмонбердиев. Қофоз технологияси. Т: “Фан ва технология”, 2009.- 232 б.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **Маъруза матни**

### **1-Мавзу. Инновация тушунчаси, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни**

**Режа:**

1. Инновация тушунчаси
2. Инновация ва ишлаб чиқариш узвийлиги
3. Инновацияни фан техника тараққиётидаги ўрни.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион фаолият, ресурс, технология, интелектуал салоҳият, инновация жараёни

#### **Инновация тушунчаси**

Ҳозирги жаҳон хўжалиги тизими ресурслар чекланганлиги шароитида ишлаб чиқаришнинг доимий ўсиши зарурлиги билан тавсифланади. Шу сабабли мазкур тизимда уни ташкил этувчи унсурлар ва улар ўртасидаги алоқаларни ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Бундай мақсадга давлат иқтисодиётининг турли таркибий тармоқларида узлуксиз инновация фаолиятини амалга ошириш орқали эришилади.

Инновация - бу янги технологияларда мужассамлашган янги билимлар, ноу-хау, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини қўллаш билан боғлиқ, шунингдек, анча юқори бозор салоҳиятига эга бўлган янги хусусиятли вазифаларни бажара оладиган янги маҳсулотлар яратиш ёки деструктив жараёнларнинг салбий оқибатларини йўқотиш мақсадини ўз олдига қўйган фаолият ёки фаолият натижасидир. Яъни, инновацияларга ғоялар, изланишлар, ишланмалар, янги ёки мукаммал илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий қарорлар трансформациясининг натижаси сифатида қараш мумкин.

► **Инновация, янгилик киритиш** (ингл. *innovation*)— бу (харидорлар томонидан талаб) маҳсулот сифатини ёки (ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб) технологик жараённи самарасини ортишига хизмат қилувчи янгиликни тадбиқ этиш.

► Инсон интелектуал салоҳиятини сўнги натижаси, унинг фантазияси, ижодий ёндошуви, ихтироси ва хаказолар

Инновацияга мисол тариқасида маҳсулотлар (хизматлар) бозорига янги хусусиятли (таркибли) ёки самарадорлиги нисбатан юқори маҳсулот (хизмат)ни киритилиши

**ДЕМАК Инновация**— истеъмолга янги ёки янгиланган юқори самарали маҳсулот (хизмат) ёки жараённи киритилиши

► «инновация» атамаси латинча «*novatio*» сўзидан олинган, маъноси «янгиланиш» (ёки «ўзгартириш»), ва «*in*» қўшимчаси, латинчадан «йўналишдаги», сўзма сўз таржимаси «*Innovatio*»— «янгиланиш йўналишидаги».

innovation тушунчаси XIX асрдаги илмий тадқиқотларда қўлланила бошланган. XX асрдан бу атамага австрия ва америка иқтисодчиси Й. Шумпетера қайта жон баҳшида қилинди.

Инновация— хар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Буни ихтиродан асосий фарқи хам шунда. Янгиликни тадқиқи натижасида маҳсулотни, технологияни ёки иш тизимини юқори самарали босқичга олиб ўтишига хизмат қиласи

Инновация - бу ғоялар, изланишлар, ишланмалар, кишилар амалий фаолиятида қўллаш орқали жамият томонидан тан олинишига ёрдам берувчи янги ёки мукаммаллаштирилган илмий-техник ёки ижтимоий-иктисодий қарорлар трансформацияси натижасидир.

Шу ўринда «инноватор» ва «имитатор» тушунчаларини ҳам фарқлаш мақсадга мувофиқ. Инноватор янги маҳсулотни биринчи марта қўллайди, бунда янги маҳсулот нафақат унинг ўзи, балки бутун жамият учун ҳам янгилик бўлади. Мавжуд бўлган, бошқалар учун эмас, балки ўзи учун янги бўлган янгиликни қўллаётган шахс имитатор ҳисобланади. У ўз ташкилотидан ташқарида маълум бўлган ва фойдаланиладиган янгилик киритиш жараёнини асосли равишда қўллайди. Инноватор — тадбиркорлик функциясининг соҳиби, янги маҳсулот яратувчи ёки янги технологияни қўлловчи фирма.

Энди **янгиликларни таснифлаш** билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқамиз.

Янгиликларнинг турлари масаласида ҳар хил қарашлар мавжуд.

Илмий адабиётда кўпинча янгиликлар қуйидаги турларга бўлинади:

- **техник янгиликлар** (янги маҳсулот, технология, материал ёки асбобускуналар);
- **ташкилий янгиликлар** (корхона фаолиятининг ҳар хил турларини ташкил этишининг янги усул ва шакллари);
- **иктисодий янгиликлар** (режалаштириш, молиялаштириш, нарх белгилаш, реклама, мотивация каби усуллар билан инновацион фаолиятни бошқариш усуллари);
- **ижтимоий янгиликлар** (инсон омилини фаолиятлаштиришнинг ҳар хил шакллари, жумладан квалификацион (малакавий) ва кадрлар билан боғлиқ тайёргарлик, ижодий фаолиятни рағбатлантириш, меҳнат шароитини

яхшилаш, фаровонликни ошириш);

- **юридик янгиликлар** (инновацион фаолиятни тартибга солувчи қонунчиллик, солиққа тортиш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар).

*Кўлланиш (истеъмол қилиниш)* жойига кўра янгиликларнинг тўрт гурӯҳини ажратиш мумкин:

- **товар янгиликлари** — ишлаб чиқариш соҳасида (ишлаб чиқариш воситалари) ёки истеъмол соҳасида (истеъмол предметлари) ишлатиладиган янги маҳсулотлар;
- **технологик янгиликлар** — эски ёки янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги (ёки такомиллаштирилган) усуллари;
- **бошқарув янгиликлари** — бошқарув аппаратида фойдаланиладиган янги иш шакллари ва усуллари;
- **иқтисодий янгиликлар** — салоҳиятга (жумладан тижорат соҳасидаги муайян янгиликка) доир ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари асосида инновациялар соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиши.

### **Инновация ва ишлаб чиқариш узвийлиги**

Инновация жараёни ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилишига туртки бўлади, бу эса асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигининг ошишига, натижада эса фонд сифими кўрсаткичлари қисқаришига сабаб бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати рақобатбардошлиги фақат янги технологиялар, товар ва хизматларни жорий этиш йўли билангина кўтарилиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон тараққиёти инновацияларни самарали жорий этишга йўналтирилган миллий илмий-техник салоҳиятга ёндашилган ҳолда юз бериши лозим.

Инновациялар самарадорлигини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва ошириш учун уларни макро ва микро миқёсда асосли классификациялаш зарур. Инвестицияларнинг ўйлаб топилган ва илмий асосланган классификацияси уларни нафақат оқилона ҳисобга олиш, балки қўллаш даражасини ҳам ҳар томонлама таҳлил этиш ва шу асосда самарали инновация сиёсатини, жумладан, давлатнинг саноат мажмуи учун ишлаб чиқариш ва амалга ошириш борасидаги зарур маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ҳолати учун мос келадиган “инновация муҳити” ибораси бўлғуси инновациялар учун корхоналар жозибадорлигини тавсифлайди. Инновация муҳитини баҳолашда одатда бир қатор параметр ёки белгилар қўлланилади. Мазкур параметрлар давлатнинг инновацияларни жорий этиш салоҳияти ва уларни амалга ошириш таваккалини тавсифловчи белгилардир. Уларнинг энг асосийлари

куйидагилардир: макроиктисодий барқарорлик; инновация фаолиятининг ҳукуқий асослари; солиқ тизимининг сифати ва солиққа тортиш даражаси; банк тизими ва бошқа молиявий институтлар ҳолати ва ишончлилиги; инфратузилманинг ривожланиш даражаси; ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши; давлат бошқарув тизими.

### **Инновацияни фан техника тараққиётидаги ўрни**

Фан-техника тараққиётидан фарқли равишда, инновация жараёнини тадбиқ этиш босқичи, яъни бозорда янги маҳсулот, хизматнинг илк бор пайдо бўлиши, янги технологиянинг лойиҳа даражасига этиши билан тугалланмайди. Бу жараён тадбиқ этишдан кейин ҳам узилмайди, у ёйилиш даражасига қараб, янгилик мукаммаллаштирилиб. Натижада аввал маълум бўлмаган истеъмолчилик хусусиятлари ҳосил бўлади. Бу эса унинг учун янги бозорлар ва қўлланиш соҳаларини очади, ўз навбатида мазкур маҳсулот, технология ва хизматларни ўзлари учун янги сифатида қабул қиласиган истеъмолчиларни топади.

Бу жараён тадбиқ этилгандан кейин ҳам узилмайди, унинг қамраб олиш ва ёйилиш даражасига қараб, янгилик мукаммаллаштирилиб борилади ва аввалгисига нисбатан анча самаралироқ кечади. Аввал маълум бўлмаган янги истеъмол хусусиятлари ҳосил бўлади. Бу эса, унинг учун янги бозорлар ва қўлланиш соҳаларини очади, ўз навбатида, мазкур маҳсулот, технология ва хизматларни ўзлари учун янги сифатида қабул қиласиган истеъмолчиларни топади. Шундай қилиб, бу жараён бозор талаб қиласиган маҳсулотлар, технологиялар ёки хизматларни яратишга йўналтирилган ва у албатта, амал қиласиган ва ривожланадиган ижтимоий-иктисодий муҳитнинг суръатлари, мақсадларига боғлиқ бўлади.

Инновация жараёнининг асосини фундаментал изланиш ва тадқиқотлардан бошланувчи янги техника ва технологияларни яратиш ва ўзлаштириш жараёни ташкил этади. Фундаментал илмий ғоялар янги технологиялар орқали йирик оқим ҳолатида техника ва ишлаб чиқаришга ўтиши ва ҳақиқий муҳандислик қарорлари янги машиналар, ускуна ва воситаларга юқори техник даражада жорий этилиши лозим. “Фан - технология - ишлаб чиқариш” интенсив иқтисодиёт занжирли фаолиятида асосий омил энг янги технологиялар, ишлаб чиқаришнинг янги принципларини яратишга хизмат қилувчи илм-фан омили хисобланади. Замонавий шароитларда фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучи сифатида қатнашмоқда. У моддий ишлаб чиқариш муҳитига фаолроқ кириб бормоқда ва унга доимий катта таъсир ўтказмоқда. Интенсив тараққиётга ўтиш шароитида ишлаб

чиқаришга янги илмий ғояларни тезроқ ва тизимли тарзда жорий этиш зарур бўлади. Айнан шу сабабли ҳам фундаментал тадқиқотлар техника ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан олдинда бориши, ўзиб кетиши лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Инновация сўзининг маъноси.
2. Инновацион технологияларнинг бугунги кундаги аҳамияти.
3. Инновацион технологияларга қўйилган асосий талаблар

### **Адабиётлар**

1. Гельмут Киппхан. Энциклопедия по печатным средствам информации. М., «Мир книги», 2003. 264 стр.
2. М.Примкулов, F.Раҳмонбердиев. Қоғоз технологияси. Т: “Фан ва технология”, 2009.- 232 б.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. [sifat.uz](http://sifat.uz)
6. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **2- мавзу. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини ўрни.**

**Режа:**

1. Саноат корхоналарини ривожлантиришда илмий интелектуал ишланмалар.
2. Илмий-интелектуал ишланмаларнинг ишлаб чиқришга тадбиги натижалари тахлил

**Калит сўзлар:** илмий-интелектуал, ихтиро, фойдали модел, ишлаб чиқарии намунаси, инновацион ривожлантириши стратегияси, глобализация жараёнлари

### **Саноат корхоналарини ривожлантиришда илмий интелектуал ишланмалар**

Ўзбекистоннинг илмий-интелектуал, табиий ва меҳнат ресурслари бўйича улкан салоҳиятга эгалигини эътироф этадиган бўлсак, бу соҳада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Миллий иқтисодиётда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар, жумладан, саноатда асосий фондларни янгилаш даражасининг халқаро мезонлардан пастлиги, ялпи ички маҳсулот экспорт таркибида хом ашё ва ярим фабрикат маҳсулотлар улушининг салмоқли эканлиги, халқаро бозорда юқори технологияларни мужассамлаштирган тайёр маҳсулотлар улушининг камлиги инновация ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган талайгина муаммолар борлигини англатади. Шунингдек, инновацион фаолият субъектлари, яъни илмий-тадқиқот институтлари, тажриба-конструкторлик бюролари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг фаолияти натижаларни ҳам талаблар даражасида деб бўлмайди. Айтиш жоизки, илм-фан ривожи билан ишлаб чиқариш ўртасида бевосита алоқаларнинг заифлиги ушбу муаммонинг долзарблигини кучайтиради.

Республика инновацион ривожлантириш ҳолатини ёрқин ифода этадиган функционал мезонлардан бири мамлакатда ёки унинг ҳудудларда қилинган, шунингдек, рўйхатга олинган ихтиrolар сони ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2006-2013 йиллар оралиғида жами 987 та ихтиро рўйхатга олинган ва йиллар бўйича ўртacha 123 тани ташкил этган. Бизнингча Ўзбекистондек 30 млн.дан зиёд аҳолиси бор давлат учун бу кўрсаткич паст ҳисобланади. Бундан ташқари, 2006 йилдан бошлаб қилинган ихтиrolар сони камайиб борган. Масалан, 2006 йилда –161 та, 2008

йилда –114 та, 2013 йилда эса –105 тани ташкил этиб, 2013 йилда 2006 йилга нисбатан 65,2 фоизни ташкил этган, 34,8 фоизга камайган.

4-жадвал.

Республикада рўйхатга олинган ихтиrolар тўғрисида маълумот

Т/р	Ариза берганлар	Йиллар								Жами
		2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	
1	Фанлар Академияси тасарруфидаги ташкилотлар (ФАТТ)	25	14	19	29	22	28	35	28	172
2	Олий ўкув юртлари ва бошқа ўкув муассасалари	32	30	26	27	23	25	23	35	221
3	Илмий-текшириш ташкилотлари ва илмий марказлар	20	19	5	20	26	19	16	8	113
4	Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари	-	-	1	-	-	-	-	1	2
5	Корхоналар, комбинатлар	7	3	8	1	3	4	11	11	48
6	Акциядорлик жамиятлари	6	4	7	8	3	1	2	1	32
7	Масъулияти чекланган жамиятлар, фирмалар	2	1	2	1	-	1	1	2	10
8	Кичик ва хусусий корхоналар	2	-	-	-	-	-	-	1	3
9	Мажмуалар	2	1	-	-	-	-	-	-	3
10	Марказлар	4	6	2	5	4	2	7	4	34
11	Компаниялар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
12	Қўшма корхоналар	2	2	-	-	-	-	-	-	4
13	Бошқалар	-	1	-	-	2	-	-	1	4
14	Жисмоний шахслар	59	45	44	38	28	28	36	23	301
Жами:		161	128	114	129	111	108	131	105	987

**Илмий-интелектуал ишланмаларнинг ишлаб чиқришга тадбиғи  
натижалари таҳлил**

Республикада интеллектуал мулк объектлари бўйича рўйхатга олинган шартномалар тақсимоти

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								Жами
		2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	
1.	Ихтиоролар	21	25	12	9	8	7	16	10	108
2.	Фойдали моделлар	2	5	2	2	2	1	5	3	22
3.	Саноат намуналари	3	7	6	4	4	9	5	8	46
4.	Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари	86	110	95	115	160	141	164	207	1078
5.	ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаси	3	2	-	1	3	-	4	4	19
6.	Селекция соҳасида эришилган натижалар	-	2	1	1	2	-	-	1	7
7.	Жами:	115	151	116	132	179	158	194	233	1278
7.1.	фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
7.2.	Иқтисодиётнинг реал секторлари бўйича рўйхатга олинган шартномалар сони	22,6	25,8	18,1	12,1	8,9	10,8	13,4	9,9	14,3
7.3.	Хизмат кўрсатиш соҳасида рўйхатга олинган шартномалар сони фоизда	77,4	74,2	81,9	87,9	91,1	89,2	86,6	90,1	85,7

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, таҳлил қиласиган бўлсак, 2006-2013 йиллар оралиғида ихтиоролар сони маълум даражада ўзгариб, яъни 2006 йилда иқтисодиётнинг реал сектори бўйича ихтиоролар 22,6 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасида 77,4 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2013 йилда реал сектор бўйича рўйхатга олинган шартномалар сони 14,3 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 85,7 фоизни ташкил этган.

Техника соҳасида рўйхатга олинган ихтиоролар бўйича тузилган шартномалар тақсимоти.

Т/р	Соҳалар бўйича қилинган ихтиrolар	Йиллар								Жами
		2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	
1	Рўйхатга олинган жами ихтиrolар, шундан шартномалар тузилгани	161	128	114	129	111	108	131	105	987
1.1	Қишлоқ хўжалиги	9	2	-	1	-	-	4	-	16
1.2	Электротехника	-	-	1	1	-	2	1	-	5
1.3	Кимё ва кимё-технологияси саноати	5	13	2	1	1	1	3	7	33
1.4	Енгил ва озиқ-овқат саноати	2	-	1	-	4	1	-	-	8
1.5	Қурилиш, курилиш материаллари ишлаб чиқариш	-	2	2	3	-	-	1	-	8
1.6	Машинасозлик	1	1	-	2	-	-	1	-	5
1.7	Нефть-газ қазиб олиш ва қайта ишлаш	-	2	2	-	-	-	1	-	5
1.8	Медицина ва фармацевтика	4	5	1	1	3	3	5	1	23
1.9	Бошқалар	-	-	3	-	-	-	-	2	5
2	Жами:	21	25	12	9	8	8	16	10	109
3	Тижоратлашув даражаси, (фоизда)	13,0	19,5	10,5	7,0	7,2	7,4	12,2	9,5	11,0

Таҳлиллардан кўринадики, 2006-2013 йиллар оралиғида тармоқлар ва соҳалар бўйича жами рўйхатга олинган ихтиrolар сони – 987 тани ташкил этган. Лекин, улардан 2013 йилда шартномалар тузилгани 105 тани, яъни 9,5 фоиздан иборат. Тижоратлашув кўрсаткичи эса 2006 йилда 13,0 фоизни, 2007 йилда 19,5 фоизни, 2013 йилда эса 9,5 фоизни ташкил этган ва охирги йилларда пасайган. Мазкур ҳолат иккита салбий жиҳатни акс эттиради: аввало, техника соҳасида қилинган ихтиrolарнинг жуда камлигини, шунингдек, мавжуд яратилганларининг ҳам ишлаб чиқариш билан алоқадорлигининг пастлигини кўрсатади.

Республикада самарали, барқарор иқтисодий ўсишга эришишдаги мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган натижаларни қўлга киритиш билан бир қаторда бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳам борлиги аниқланди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш стратегиясининг мақсади мамлакатдаги муайян даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқади ва умумий тарзда қуидагиларни ўзида акс эттириши лозим бўлади:

– инвестицияларнинг асосий қисмини мамлакатнинг реал ишлаб чиқариш фондларини янгилашга йўналтириш;

– ривожланаётган мамлакатлар учун илмий-техник салоҳиятдан тўғри фойдаланиш мақсадида давлат томонидан молиявий ресурсларни тежаш, инвестицияларни тегишли соҳаларга йўналтириш катта аҳамиятга эга. Давлат томонидан инновацион сиёсат инвестиция сиёсати билан ҳамоҳанг амалга оширилиши, инновацион фаолиятни молиялаштиришда иқтисодиётнинг устувор соҳалари аниқланиши керак;

– мамлакатнинг фан-техника соҳасини ривожлантириш, унинг ютуқлари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш, илмий ютуқларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулқдан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш каби чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

– иқтисодий-инновацион муносабатларнинг асосий субъектлари (давлат, илмий-текшириш институтлари, таълим муассасалари, корхоналар ва ҳоказолар) ўртасида ижодий ҳамкорликни кучайтириш ва мувофиқлаштириш.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни шакллантиришда инновацияларни вужудга келтирувчи, уларга эҳтиёж туғдирувчи кучли механизм яратилиши керак. Мазкур механизмга давлат бюджети ва тижорат манбалари, илмий-инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг билвосита ва бевосита шакллари киритилиши зарур. Республикаизда фан ва техниканинг ривожланишини замон талабларига уйғунлаштириб, глобализация жараёнларига мослаштириш лозим. Илмий-инновацион ривожланиш субъектлари, институтларининг уйғунлаштирилган ва тизимили ишлайдиган мажмуаси яратилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу институтларни инновацияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, технологиялар трансфери вазифаларини амалга ошириш билан биргаликда, маълум стратегик мақсадларга йўналтирилган бўлиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Ушбу стратегик мақсадлар давлат томонидан инновацион сиёсатга ҳамоҳанг равишда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим бўлади. Жорий қилинган инновацияларни бошқариш тизимини барча корхоналарда йўлга қўйиш, инновацион менежмент ихтисослиги бўйича кадрларни тайёрлашни яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, инновацион фаолият билан шуғулланувчи муассасаларга тегишли шартшароит яратилиши, давлат томонидан уларга кредит беришда, солиқса тортишда имтиёзлар тизими ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши, инновацион

фаолиятнинг самарали инвестицияларни жалб этиш механизми яратилган бўлиши талаб этилади. Мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ўйлаймизки, иқтисодий ўсишнинг ички имкониятларидан янада фаол фойдаланишга, инновацион ишлаб чиқаришни шакллантиришга ва ҳалқимизнинг фаровонлигини юксалтиришда ижобий таъсир қиласди.

### **Саноатда ўсишни таъминлашнинг йўллари :**

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини қўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.
- саноатга инвестицияларни кенг жалб қилиш

Саноат ўсишини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлларидан яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштириш орқали инновацияларни жорий қилишdir.

### **Назорат саволлари:**

1. Интеллектуал ишланмалар ва улар ҳақида нималарни биласиз?
2. Корхоналарда интеллектуал ишланмаларни жорий қилиниши.
3. Фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий қилиш усуллари.
4. Интеллктуал ишланмаларни тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида жорий қилиниши.

### **Адабиётлар**

1. Гельмут Киппхан. Энциклопедия по печатным средствам информации. М., «Мир книги», 2003. 264 стр.
2. М.Примкулов, F.Раҳмонбердиев. Қоғоз технологияси. Т: “Фан ва технология”, 2009.- 232 б.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. sifat.uz
6. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

### **3-Мавзу. Нашрларни босишигача тайёрлаш системасида сифатни назорат қилиш**

**Режа:**

1. Нашрларни босишигача тайёрлашсифатни назорат қилиш.
2. Аналогли цветопроба
3. Рақамли цветопроба

**Калит сўзлар:** *тасвир, босииш, жараён, сифат, адад, нашр, макет, саҳифа, дизайнер, цветопроба, офсет, фотокөолип, тизим, экспонирлаш, нусха.*

Репродуктив жараённинг асосий вазифаси технологик жараённинг имкониятларини акс эттирувчи, уни асл нусхага хос энг яхши тарзда такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи тасвирни олишдан иборат. Қайта ишлаш жараёнини бошқариш учун бутун жараённи ҳам яхлит ҳолда, ҳам давларда назорат этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак тасвир тавсифномасининг асосий тартибланиши айнан босишигача бўлган жараёнлар даврида амалга оширилади. Тасвирнинг назорати зарур сифатни таъминлаш мақсадида, шунингдек, ададни қайта босиши билан боғлиқ ўзгарувчан ва моддий қўшимча ҳаражатларни йўқотиш мақсадида ҳам амалга оширилади. Оралиқ давларда сифат назорати тасвирлар ва назорат шкалалари бўйича амалга оширилади, улар қуидагилар учун зарур:

- тасвирларни киритиш ва қайта ишлаш тизими билан шуғулланувчи столдаги оператор тизимига;
- нашр макети (саҳифа устида ишловчи рассом-дизайнер)га;
- бутун нашр жараёнини назорат қилувчи технологга;
- босувчига;
- буюртмачи билан иш олиб борувчи менежерга.

Цветопроба ишлаб чиқариш жараёни занжирида алоҳида ўрин эгаллаб, у якка, кўп рангли тасвир тарзидаги репродукция натижасини ифодалашга хизмат қиласи ва у адад нусхасини моделлаштиради ва намуна нусхаси ўрнини босади. У буюртманинг тўғри бажарилганлигини исбот қиласиган хужжат сифатида ишлатилиши мумкин, у томонлар келишиб олганда тасдиқланади. Шунингдек, у турли келишмовчилик холатларини ҳал этишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Цветопробанинг икки тури- экранли ( софт проофф ) ва қаттиқ ташувчили ( ҳард ргоофф ) фарқланади. Қаттиқ ташувчили цветопробани уч хилга ажратиш мумкин рақамли, аналогли ва синааб қўриш нусхаси.


## **Аналоги цветопроба**

Аналоги цветопроба, одатда, сифатни назорат этиш учун қўлланилади ва рангларга ажратилган, растрланган фотоқолиплар - негатив ёки позитивлар орқали амалга оширилади. Ҳозирги замон фотомеханик жараёнлари оғсет босиши параметрларини моделлаштиришга имкон беради. Фотоқолиплардан бевосита цветопроба тайёрлаш тизими бир қанча фирмалар томонидан амалга оширилади, улар ичida машхурлари DU PONT, KODAK, IMATION, AGFA. Аналоги цветопробаларнинг кенг тарқалган моделларига DU PONT Сомалин студио мансуб бўлиб, унинг ишлаш принципини кўриб чиқамиз.


Цветопроба комплекти тўрт элементдан - ламинатор, нусха кўчирувчи рама, босиши пресси ва сарфланувчи материаллар комплекти (стандарт ҳолида - ламинат, асос ва тўрт қуруқ тонер пигмент SMUK)дан иборат. Цветопроба куйидагича тайёрланади: маҳсус қопламали зич қоғоз варағига ламинатор ёрдами билан ҳимояли плёнкага эга ёруғликка ниҳоятда сезгир материал қатлами суртилади. Сўнг ҳимоя плёнкаси устидан фотоқолип маҳкамланади. Буларнинг бари нусха кўчирувчи рамага жойлаштирилади ва қисқа муддатли (5-30с) экспозиция ультрабинафша нурли манба ёрдами билан амалга оширилади. Бу вақтда юз берадиган фотокимевий жараён тасвирининг шаклланишида асос бўлади, Экспонирлашга қадар бутун сирт юзасида ёпишқоқ бўлган ёруғликка ўта сезгир қатлам парчаланади ва ёруғлик тушган жойларида ёпишқокликни йўқотади. Экспонирлашдан сўнг фотоқолип олинади, ҳимоя плёнкаси йўқотилади. Ёруғликка сезгир қатлам орқали тасвири қабул қилган қоғоз босиши пресси орқали ўтказилади, у ерда пигмент қатлами билан қопланган фолгага ўтказилади. Бу ҳолда амалга ошадиган жараён анчагина содда: фолганинг сиртида зўрга турган пигмент парчаланмаган ёпишқоқ элементларга ёпишиб қолади. Натижада фотоқолипни қора жойларига мос келувчи қоғоз қисмларида тасвир ҳосил бўлади.

Рангли тасвир олиш учун юқорида баён этилган жараён тўрт марта такрорланади (1-расм). Ҳар галзарур пигментли фолга олинади.

Аналоги цветопробаларни олиш учун «қуруқ» ёки «хўл» технологиялар деб аталадиган технологиялардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг фарқи шундаки, «қуруқ» цветопробаларда нусха олиш жараёнида ҳеч қандай кимёвий эритмалар қўлланилмайди, оралиқ элементлардан пигмент механик усул билан олиб ташланади. «Хўл» цветопробалар ҳолида эса очилтириш юз беради, яъни эриши мумкин бўлган элементларнинг парчаланиши ва ювилиши юз беради (2-расм).



1-расм. Сомалин да цветопроба тайёрлаш босқичлари



2-расм.Ламинирлаш жараёни схемаси.

«Қуруқ» цветопроба технологиясини ишлатадиган тизимларга қуйидагилар киради: DUPONT фирмасининг Сомалин тизими, Kodak фирмасининг Confirmтизими, Agfa фирмасининг Rgessmatch тизими. «Хо’л» tsvetoproba texnologiyasi Imation firmasining Matchprint va Fuji фирмасининг Solog агт тизимларида ишлатилади.


Аналоги цветопробанинг оммалашувига унинг оффсет синов босиш усулига функционал яқинлиги имкон берди. Аналоги цветопробанинг ағзаллиги нафақат оффсет нусха колориметрик характеристикаларидан ниҳоятда оз фарқланиши балки тайёр фотоқолиплар сифатини назорат қилиш мүмкінлиги хамдир. Масалан баъзи элементларни растрлаш, треппинг ва бошқалар. Яна бир муҳим жиҳати шуки, аналоги цветопробалар хоҳлаган ранглар тўпламига ўтишга тайёр. Аналоги цветопроба тизими камчиликларига нусха таннархининг юқорилиги, адад қофозида цветопроба тайёрлашнинг ҳар доим ҳам мумкин бўлавермаслиги, шунингдек, айrim тизимларда босиш жараёнларининг хусусиятларини моделлаштиришнинг имконияти йўқлиги киради. Бу тизимларнинг ҳаммаси цветопроба тасвирларининг олий сифатини таъминлайди ва одатда бир-биридан синов нусхаларини олиш технологиялари билан, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар томонидан кўрсатиладиган қўшимча имкониятлар билан фарқ қиласди.

Олинаётган тасвирнинг сифати, қимматли эканлиги ва нисбатан паст тезкорлик аналоги цветопробаларни мухим материалларни назорат этиш ва босиш жараёнига ўтказиш учун қўллашни тақозо этади.

### **Рақамли цветопроба**

Рақамли цветопробабанинг моҳияти шуки, у нусхалаш қурилмалари ёрдамида бевосита компьютердан олинади. Бу ҳолда фототехник материаллар билан ишлаш ва кимёвий-фотографик ишлов беришларга зарурат бўлмайди. Бу, айниқса, S-t-R технологияси ишлатилганда қулай. Чунки бу усулда фотоқолиплардан фойдаланилмайди.

### **Рақамли цветопообани сканирлаш ва тасвирларнинг қайта ишлашдан сўнг ишлатилиши**



Ҳозирда рақамли цветопроба олиш ускуналари сифатида турли технологиялар бўйича бўёвчи пигментни асосга ўтказувчи принтерлар

ишлилди. Қуйидаги принциплар бүйича ишловчи принтерлар фарқланади: иссиқлик ёрдамида күчириш (термоперенос), сублимациян, оқимли (струйный), лазерли ва қаттиқ сиёҳда ишловчи принтерлар. Уларнинг ишлаш принципини қисқача кўриб чиқамиз.

Иссиқлик ёрдамида күчириш принципида ишловчи принтерлар рангли бўёвчиларни маҳсус лавсан плёнкасидан қоғозга юқори ҳарорат остида күчиришга асосланади. Бўёвчилар таркибида мумга ўхашаш модда бўлиб, қиздирилганда у эрийди ва бўёвчини лавсан асосдан қоғозга ўтишига имкон яратади.

Босиш жараёнида лавсан асоснинг тасвир жойлашиши керак бўлган қисмларида юқори ҳарорат ҳосил қилинади. Ҳар бир рангли нусха 4та прогонда олинади. Бундай принтерларнинг имконли қобилияти одатда 300 дри бўлиб, нусха олишда маҳсус қоғоз ишилди.

Сублимацион принтерларнинг ишлаш принципи ҳам юқоридагига ўхашаш, лекин растр нуқталари ҳосил қилинмайди. Нусхалаш бир текис ва тўлиқ амалга оширилади, тасвир фотографик қўринишга эга бўлади (у растр тузилишига эга бўлмайди).

Бу принтерларда юқори шаффофликка эга маҳсус бўёвчилар ишилди, чунки тасвирнинг шаклланишида бўёвчилар бир-бирига аниқ тушиши керак. Бўёвчини ўтказиш жараёни анчагина мураккаб, у бўёвчини буғ ҳолатига яқинлашгунча қиздиришга асосланади. Буғланган бўёвчи қоғозга юритилган маҳсус кимёвий қатламга тегади ва унга сингиб кетади .4та асосий ранг учун бу жараён тугаллангандан кейин қоғозда тасвир шаклланади.

Сублимацион нусха олишнинг асосий камчиликлари - нусха таннархининг қимматлиги, оддий қоғозда нусха олишнинг ва растр тузилиши ҳосил қилишнинг имкони йўқлиги.

Оқимли (струйный) принтерлар - рақамли цветопроба олиш учун анча кенг тарқалган қурилмалардир. Бу фақат нусханинг нисбатан арzon нархи билан эмас, балки қурилманинг арzonлиги ва турли материалларда ишлаш имкони борлиги билан ҳам боғлиқ. Булар оддий офис принтерлари ҳам, кўчаларга ўрнатиладиган Зх8м ўлчамдаги реклама плакатларини нусхалайдиган принтерлар ҳам бўлиши мумкин.

Нусхалашнинг умумий принципи рангли суюқ сиёҳларни қоғоз варағига ўтказишга асосланган. Сиёҳлар 4та резервуарга жойлашган бўлиб, электр майдони таъсири остида ундан ажратилади ва микроскопик томчилар қўринишида пуркалади.

Бундай турдаги принтерларда 4 хил рангдаги сиёҳ ишилди (3 хили ишилдилиши ҳам мумкин). Сиёҳлар матбаачилик триадаси (учлиги) рангидаги

бўлишидан қатъий назар колориметрик характеристикаси бўйича ундан фарқ қиласди. Приитер қанчалик мураккаб иш бажариши керак бўлса, ёйилиш механизми мураккаблашади ва қурилманинг нархи қимматлашади.

Бундай принтерларнинг камчиликларига бўёқнинг қоғозга урилгандаги сачраши (бундай ҳолат тасвир аниқлигининг пасайишига олиб келади), сувда эрувчи бўёқлар ишлатилганда қўшимча ламинирлаш талаб қилиниши кабилар киради.

Рангли лазерли принтерларнинг ишлаш принципи оқ-қора лазерли принтерларнига ўхшаш, фақат тасвирни барабанга ёзиш ва уни қоғозга ўтказиш жараёни 4 марта такрорланади. Бундай принтерлар 1200x1200dpi имконли қобилиятга эга. Бу принтерларнинг камчилиги тасвир ҳосил қилишдаги аниқликнинг нисбатан пастлигидир.

Ҳозирги вақтда қаттиқ сиёҳда ишловчи принтерлардан фойдаланиш кенг тарқалиб бормоқда. Бу қурилмаларнинг ишлаш принципи қуидагича: қаттиқ бўёвчи термик эрийди, бўёвчи томчилари (одатда электр майдонида) қоғозга текканида тезда қотади. Бўёвчи бундай усулда юритилганда оқимли принтерларнинг икки муаммоси - сиёҳларнинг араласиб кетиши ва шимилигандаги тарқалиб кетиши пайдо бўлмайди. Бўёқ эриганда қолган чиқинди пезоэлектрик элемент ёрдамида чиқариб ташланади.

Шундай қилиб бўёвчилар қоғозга тоза ҳолда кўчади. Бундай қурилмаларнинг имконли қобилияти 300dpi атрофида. Бироқ улар деярли исталган қоғозда ишлайди ва бўёвчини иқтисод қилиб сарфлайди. Бўёқнинг қоғозга тегаётган пайтдаги ёпишқоқлиги анчагина юқори бўлгани учун унинг сачраши ва шимилиши каби муаммолар йўқ. Қаттиқ сиёҳ тайёрлашда ишлатиладиган пигмент босмахона бўёғи пигментига ўхшаш, бу эса принтерни офсет босишга калибрлашни осонлаштиради.


Сублимацион принтернинг иш намунаси сифатида Du Pont! фирмасининг 4Sast системасини кўриб чиқамиз. Бу системада бўёқни ўтказиш сариқ, қирмизи, ҳаворанг ёки қора бўёққа бўялган фолгада термошина бўйича амалга оширилади. Термошинада умумий узунлиги 300 мм.ни ташкил қилувчи 3500 шиша термодатчик мавжуд. Қиздирилганда бўёқ газсимон ҳолатга ўтади ва совутилган ўтказувчи юзага қопланади, бу пайтда у қаттиқ ҳолатга ўтади. Ҳосил қилинган тасвир турли интенсивликда бўялган алоҳида нуқталардан иборат бўлади. Нусха олиш жараёни 4-6 минут давом этади.

Тасвир бўёвчининг лавсан плёнка юзасидан буғланиши ва бўёқ буғларининг қоғознинг маҳсус қатламида конденсацияланиши ҳисобига шаклланади. Нусхаловчи головка қоғоз варағининг кенглигига тенг кенгликка

эга, бу эса бир вақтнинг ўзида тасвирнинг бутун бир қаторини нусхалаш имконини беради. Битта бўёқда нусхалангандан кейин варақ тасвир бошига қайтарилади, бўёвчи лента эса навбатдаги рангга эга зонанинг бошигача ўралади.


Қоғозга ўтган бўёқ миқдори босувчи элементни қиздириш давомийлиги билан аниқланади. Шундай қилиб, бундай принтерларда тасвирнинг ҳар бир нуктаси эркин миқдорда ранг градациясига эга бўлиши мумкин (одатда 300dpi ҳар бир нуктада 16 млн. ранг тусида).

Сублимацион принтерларнинг ҳозирда мавжуд моделлари сони анча катта. Кўпроқ таниқлilари эса қўйидагилардир: Kodak фирмасининг DSR 9000 модели, Imation фирмасининг Matchprint модели, Tektronix фирмасининг Rhraser 480X модели ва New Gen фирмасининг Sromax Rgo модели.



**Цветопробани ишлаб чикариш жараёнига киритиш вариантлари**

Қаттиқ сийоҳда ишловчи принтэрларнинг иш намунаси сифатида Tektronix фирмасининг Rhaser 840 модэлини кўриб чиқамиз. Қаттиқ сийоҳда ишловчи Rhaser 840 принтэрлари турли кўрсаткичлар бўйича рангли лазэрли принтэрлардан афзалроқ. Tektronix Rhaser 840 принтэрида лазэрли принтэрларга нисбатан 800 та дэтал кам ва кўпи билан 3 дақиқада алмаштирилиши мумкин бўлган 2 хил сарфланувчи матэриаллардан фойдаланиш этарли. Rhaser 840 принтэрида оғсёт босиш технологиясига жуда яқинлаштирилган технология қўлланилган. Барча бўёқлар бир вақтнинг ўзида барабанга юритилади, кейин эса барабандан қофозга ўтказилади. Барабаннинг айланиш тезлиги жуда юқори.



Принтер бир қатор афзаликтерге эга-нусха олиш тезлиги ва сифати юқори ( 1 дақиқада 10 та рангли нусхагача ва имконли қобилияти 1200 dpi гача ) «avtodukompleks», яъни икки томондан автоматик нусхалаш, 1m<sup>2</sup> оғирлиги 65 дан 216 г. гача бўлган қофозларда нусхалаш мумкин, қофоздан ташқари турли материалларда ҳам нусха олиш мумкин ( масалан, плёнка, винил, баннер ), сиёҳ оқимли ( струйный ) нусхалашдаги каби сувда ювилиб кетмайди.

### **Назорат саволлари**

1. Босиш ускуналари тарихидан қисқача маълумот
2. Босма ускуна қисмида локлаш тизими
3. Рулонли босма ускуналари тузулиши турлари ва принциплари
4. Бир бўёкли ва кўп бўёкли ускуналарда босма аппаратларнинг тузилиши
5. Варақ чиқаришни секинлаштирувчи ваккумли қурилмалар
6. Ҳаво билан пуфлаб қуритиш қурилмаси.
7. Бўёқ аппаратининг термостатири.
8. COMPUTER-TO PRESS ва DIRECT IMAGING
9. Китоб-журналли буклаш аппарати.

### **Адабиётлар**

1. Нашриёт ишлари буйича Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари.
2. Бауфельд У. и др. передача информации и печать. Учебное и практическое пособие по современной полиграфии. М.: Издательство МГУП «Мир книги», 1998.
3. Печатные системы фирмы Heidelberg. Допечатное оборудование. М.: Издательство МГУП. 2000.
4. Положение о техническом обслуживании и ремонте оборудования полиграфических предприятий М.: Книжная палата, 1990.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. sifat.uz
6. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **4-Мавзу. Компьютер - босма қолип тайёрлаш технологияси**

### **Режа:**

1. Компьютер - босма қолип тайёрлаш.
2. Корректура нусхалари билан боғлиқ муаммолар
3. Пластиналарнинг асосий техникхусусийатларига қўйиладиган асосий талаблар

**Калит сўзлар:** Computer to Plate, фотоқолип, репродукция, макет, монтаж, тасвир, нусха, растр, технология, лазер, фотонабор, корректура, панишет, экспонирлаш, рекордер, диод, инфрақизил, пластина, офсет босма, гибрид, эмульзия, диффузия, адад.

### **Компьютер - босма қолип тайёрлаш**

Computer to Plate (компьютер -босма қолип) технологияси -бу компьютер орқали олинган рақамли кўрсатмалар асосида у ёки бу усул орқали қолипда тасвир ҳосил қиласидиган, босма қолип тайёрланадиган усулдир. Жараён мобайнида оралиқ ярим маҳсулотлар: фотоқолиплар, репродукцияланадиган асл нусха-макетлар, монтажлар ва бошқалар ишлатилмайди.

Computer to Plate (S-t-R) ўз моҳиятига кўра компьютер орқали бошқариладиган босма қолип тайёрлаш жараёни тасвирни тўғридан-тўғри қолип материалига ёзиш усулидан ташкил топган. Бу жараён энг аниқ бўлиб, рақамли кўрсатмалар орқали тайёрланган ҳар бир пластина биринчи асл нусхаси ҳисобланади, ҳамда бир ёки бир неча лазерлар билан бажарилади. Натижада нуқталарнинг катта тезлиги, чиқаётган тасвирнинг бутун диапазон бўйича аниқлиги, растр нуқтасининг кам растрланиши босма машинада таъминланади.

Computer to Plate технологияси матбаачиларга 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида танишдир. Лекин охирги беш йил ичida бу технология жуда кенг тарқала бошлади. Чунки унинг кенг ёйилиши, кириб келиши учун барча керакли шароитлар яратилгандир. Қолип материалларини тўғридан-тўғри лазерли ёзишда юқори эфектли ускуналар пайдо бўлди, нашрларни нашрга-ча тайёрлашнинг ишончли тезкор дастур воситалари вужудга келди.

S-t-R технологиясининг кириб келиши анъанавий фотонабор ва босма қолип тайёрлаш жараёни технологиясига қараганда кўп афзалликларни таъминлайди;

- Босма қолипни тайёрлашнинг технологик цикл вақти қисқаради (фотоматериалга қайта ишлов бериш, қолип пластиналарига

фотоқолипдаги тасвирни ўтказиш, экспонирланган пластиналарига ишлов бериш каби жараёнлар қисқаради).

- Ишлаб чиқаришдан фотонабор автоматлар, очилтириш машиналари, нусха кўчирувчи рамалар чиқарилади, натижада ишлаб чиқариш майдони, техникага кетадиган маблағ, электр-энергияга қилинадиган сарф-харажатлар иқтисод қилинади, ишчи ўринлари қисқаради. Кичик адад учун ҳам тўғридан-тўғри пластиналарни экспонирлаш (уларнинг қимматлигига қарамай) иқтисодий томондан тежамли чиқади. Чунки фотоқолипни тайёрлашга ҳаражат қилинмайди.

- Босма қолипдаги тасвирнинг сифати юқори бўлади. Чунки фотоматериалларни анъанавий қайта ишлаш ва экспонирлашда пайдо бўладиган нуқсонлар қисқаради. Қолипларни тўғридан-тўғри экспонирлаш жараёнида плёнкалар монтаж қилинмайди.

- Плёнкага кимёвий ишлов берилмаслиги натижасида матбаачилик корхоналаридаги экологик шароитлар яхшиланади. Технологик жараён ва ишлаб чиқариш маданияти юксалади.

Computer to Plate технологияси олдида анча афзалликларга эга бўлишига қарамай, S-t-R технологияси тез суръатлар билан ўзлаштирилмаяпти. Бу жараён ҳозирги кунда кўп матбаачилик корхоналари учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

### **Корректура нусхалари билан боғлиқ муаммолар**

Катта ўлчамдаги саҳифанинг тушишидан корректура нусхасини олиш жуда қийин кечади. Чунки хатто А2 ўлчамдаги корректура оладиган принтерлар мавжуд эмас. Бунинг натижасида корректурани кичиклаштириб А3 ўлчамга чиқартиришга тўғри келади. Бу эса оддий матннинг 4-5 марта кичрайиб кетишига олиб келади ва матннинг ўқилиши қийинлашишига олиб келади. Агар катта ўлчамдаги фотоқолипнинг чиқишида визуал назорат қилиш мумкин бўлса, босма қолипни ўқиши ноқулай бўлади. Чунки ундаги тасвирнинг контрастлиги кам бўлади. Тайёр бўлган қолипнинг сифатини текшириш учун намуна олувчи босиш ускунада (пробопечатый станок) босма машинадан олинган нусханинг сифатини текшириш мумкин. Нусхадаги ҳар бир ноаниқлик бутун жараённинг бошидан бажарилишига олиб келади.

### **Операторнинг малакасига қўйиладиган юқори талаблар**

S-t-R технологиясида босмагача бўлган жараён анъанавий жараёнга қараганда анча пухта бажарилиши керак. Босма қолип тасвирнинг барча керакли элементларини қофзода қандай бўлса, шундай тартибда ўзида мужассам қилиши лозим. Бунда саҳифани кесиш ва буклаш, назорат шкаласини аниқлаш керак бўлади. Бу эса ўз навбатида оператордан юқори малака ва эҳтиёткорликни талаб қиласи.

Ҳозирги кунда офсет ва флексограф босиши усулида офсет ҳамда фотополимер қолиплар тайёрлашга мүлжалланган S-t-R системасида 3 хил асосий турдаги рекордер-лазерли экспонирилаш ускунасидан фойдаланилади (3-расм):

- барабанли, ташқи барабан технологияси асосида бажарилган. Бунда қолип айланадиган цилиндрниң ташқи юзасида жойлашган;
- барабанли, ички барабан технологияси асосида бажарилган. Бунда қолип айланмайдиган цилиндрниң ички юзасида жойлашган;
- планшетли, бунда қолип горизонтал текисликда жойлашган бўлади ва тасвирилар ёзилиши йўналиши-перпендикуляр ҳолатда ҳаракатсиз ёки ҳаракатда бўлади.

Пластиналарни амалда экспонирилаш учун кўпинча ички барабанли рекордер деб аталаадиган ёки барабаннинг ички юзасига ёзадиган рекордерлар қўлланилади (4-расм).



ТЕКИСЛИКДА ЭКСПОНИРЛАШ




БАРАБАННИ ИЧКИ ЮЗАСИДА ЭКСПОНИРЛАШ



БАРАБАННИ ТАШКИ ЮЗАСИДА ЭКСПОНИРЛАШ

3-расм. Колиппластиналарини экспонирилаш усуллари.



4-расм.Gutenberg «Somriteg-to-Rlate» системасининг тузилиши

Ички барабанли ҳам, ташқи барабанли ҳам қурилишига кўра ўзига хос камчилик ва афзалликларга эга. Афзалликларидан бири - нурланишнинг биргина манбаси этарли бўлиши туфайли юқори аниқликда ёзишга эришиш; нурланиш манбасининг қулай алмаштирилишидир.

Ташқи барабанли қурилмалар шундай афзалликларга әгаки, улар кўп сонли лазер диодларининг мавжудлиги туфайли барабан айланишининг юқори бўлмаган частотаси, лазер диодларнинг узоқ муддатлилиги, нурланишнинг заҳирадаги манбалари нархи юқори эмаслиги, катта ўлчамларни экспонирлаш мумкинлиги дар бўйича таъминланадиган. Уларнинг камчилигига келсак, кўп микдордаги лазер диодларининг ва ахборот каналларининг кўлланилиши дадир. У ва бу ҳолда ҳам термосезгир қолип пластиналарини экспонирлаш спектрнинг инфрақизил соҳасида бажарилади. Бундай экспонирлаш энергиянинг кўп сарфланишини талаб қиласади.

Ёзилиш тезлиги бўйича икки технология ҳам назарий жиҳатдан айни бир хил натижани таъминлаши керак. Амалиётда бу аксинча кўринади. Фотонабор автоматларида ўчирувчи элементларнинг айланиш частотаси 50000 ай/мин. гача боради. Босма қолипларга ёзишда рекордерларнинг тезлик хусусиятлари қолип материалининг сезгирилигига боғлиқ. Бунга нисбатан ташқи барабанлар анча секин айланади. Масалан, Sreo фирмасига тегишли экспонирлаш ускунасининг айланиш частотаси атиги 150 ай/мин. ни ташкил этади.

Шундай қилиб, S-t-R системаси тараққиётининг кейинги оқимини кўриб чиқадиган бўлсак, 70x100 см.ли босма қолип ўлчамларига тасвир ёзилишининг икки принципи учун бир хил шароит мавжуддир. Ёзишнинг планшет усули ташқи барабанли билан яратилаётган қурилмаларнинг микдори бўйича деярли бир хил имкониятларга эга. Лекин газета ишлаб чиқариш учун 50x70 см. ўлчам устун келади.

Ҳозирги кунда босма қолипларни экспонирлаш рекордерларида лазерли ёруғлик манбаларининг 6 тури ишлатилади:

- 1) 488 нм тўлқин узунликдаги гелий-ионли ҳаворанг лазер;
- 2) 633 нм тўлқин узунликдаги гелий-неонли қизил лазер;
- 3) 670 нм тўлқин узунликдаги кам қувватли қизил лазер диод;
- 4) 830 нм тўлқин узунликдаги инфрақизил лазер диоди. Юқори энергетик сарфларни талаб қиласадиган ва ташқи барабанли рекордерларда кўлланиладиган термосезгир пластиналарни экспонирлашда кенг тарқалган.

5) 1064 нм тўлқин узунликдаги иттрий – алюминий кучли инфрақизил лазери. У қуйидаги афзалликларига кўра S-t-R нинг барча системасида кўлланилади:

- тўлқиннинг катта бўлмаган узунлиги 10 мкм диаметрдаги доғ ҳосил қилиш имконини беради,

- ёруғлик толаларидан ёруғлик ўтказгичлардан ўтаётгандаги минимал йўқотишлар ва лазер қурилмалари тузилишини енгиллаштирадиган модуллаштириш осонлиги.

6) 532 нм тўлқин узунликдаги икки частотали алюминий гранатасидаги яшил лазер.

Флексограф ва юқори босма учун фотополимер қолип пластиналари фотополимерли композицияларни ўз ичига олади. Юзанинг экспонирланган майдонлари ишлов бериш давомида технологик ишқорларда эриш қобилиятини йўқотади. Бунинг натижасида босилувчи элементлари ҳосил бўлади. Экспонирланмаган майдонлар ишқор билан ювиб ташланади, оқибатда оралиқ элементлари пайдо бўлади.

Офсет босмасининг қолип пластиналарида қофозли, полимерли ва металл тагликларда экспонирлаш ва кимёвий ишлов бергандан сўнг юзанинг қатламида босилувчи ҳамда оралиқ элементлар ҳосил бўлади.

Қофоз асосида олииган офсет босма қолиплари 5000 нусхагача чидайди. Лекин қофоз асосининг пластик деформацияси туфайли офсет ва қолип цилиндрларнинг контакт қисмида тасвирининг штрихли ҳамда растрли нуқталари йўқолади, шунинг учун қофозли қолиплар фақат бир бўёкли босмада ишлатилиши мумкин. Полимер асосли қолипларнинг максимал ададга чидамлилиги 20000 нусхадир.

Кўп қатламли тузилишни ўзида акс этган гибридли қолип пластиналари галоген-кумушли эмульсия қатламидан, нусхаловчи қатламдан ва металл тагликтан ташкил топган.

Босма қолип тайёрлашнинг технологик жараёни экспонирлашдан сўнг галоген-кумушли эмульсион қатламнинг кимёвий-фотографик ишлов берилишини ўз ичига олади. Галоген-кумуш қатлам сифатида негатив фотографик эмульсия қўлланилади. Позитив нусхаловчи қатлам ортонафтохинондиазидлар асосида шаклланган бўлиб, кимёвий-фотографик ишлов беришга чидамлидир. Офсет босмасида бундай қолипларнинг ададга чидамлилиги 250000 нусхани ташкил қиласди.

Флексография босиш қолиплари учун гибридли қолип пластиналарини ҳам ишлатиш мумкин. Бу ҳолда олтингугуртли қатлам билан бирга экспонирлаш пайтида фотополимер қатламида кимёвий - фотографик усулида қайта ишлов берилаётган пайтида қўшимча экспонирланади. Шундан сўнг технологик эритма билан бирга юқори оралиқ ва босилувчи элементлар ювилади. Қолипга лазернинг 830 нм ва ундан юқори бўлган тўлқин узунлиги билан босилувчи элементлар ёзилади, Қолип босилувчи ва оралиқ элементлари термоқатламидаги иссиқлик гидрофилдан гидрофобга ўтади ёки диффузия принципига асосан тасвир кўп қатламга ёки 2та қатлам ҳисобига ИК нурланишидан сўнг босилувчи ва оралиқ элементлари ҳар-хил қатламдан ташкил топади ва микрофильтр тасвир ҳосил бўлади.

## **Пластиналарнинг асосий техникхусусийатларига қўйиладиган асосий талаблар**

Термопластина ёруғлик нурига сезгир эмас, шунинг учун экспонирлашдан сўнг «хўл» усулида қайта ишланмайди. Мутахассисларнинг айтишича, келажакда фақат термопластиналар технологиясидан фойдаланилади. Жадвалда қолип пластиналарнинг яхши ва ёмон томонлари берилган. Термопластиналар, қолиплар Digital Printing plate va Kodak фирмасида экспонирлаш учун кенг қўлланилмоқда. Бу пластиналарга бир дюймли 600 линия жойлашиши мумкин ва бу бир фоизлидир. Шу сабабли ададга чидамлилиги ошади ва 25000 нусхадан қиздирилиб 1 млн нусха олиш мумкин. Қайта ишлов бериш 9 мин. ичида 4 босқич бўйича боради.

**Дастлабки қиздириш:** пластиналарнинг устки қисми 130-145 да 30 с. давомида қиздирилади.

**Музлатиш:** қиздирилгандан сўнг, очилтиришдан олдин пластина совутилади. ювиш эритмасига солиб идетка билан ишлов бериб, филтрация ва форсировка қилинади.

**Қиздириш:** Пластиналага қайта ишлов берилгандан сўнг уни 200+220 °C гача қиздирилади ва бу унинг ададга чидамлилигини оширади.

### **Пластиналарнинг асосий техникхусусийатлари:**

- Эмулзия тури- термополимер;
- асос материали-анодланган алюминий;
- қалинлиги- 0,152; 0,2; 0,3; 0,4 мм;
- ёруғлик спектори бўйича сезгирлиги- 830нм;
- растрнинг максимал линиатураси-200 1р| гача;
- куйдиришсиз ададга чидамлилиги-250000 нусха;
- куйдириш билан ададга чидамлилиги-1000000
- нусхагача;
- ишлов бериш жараёни- позитив;
- қиздириш талаб қилинмайди;
- оддий ёруғликда ишлов берилади.

Электра пластиналарга ишлов бэриш 2 секцияга (очилтириш ва гуммирлаш) эга бўлган очилтириш процессорида 0,75 м/мин тезлик билан бажарилади. Пластиналарнинг ададга чидамлилигини ошириш учун улар қайта ишлангандан сўнг куйдирилади. Куйдириш 250 0 С ҳароратда уч дақиқа давомида бажарилади.

TR 830 пластиналари спекторнинг 2 сезгир майдони билан харakterланади. S-t-R системасидаги рақамли экспонирлашда термик

сезгирилек (830 нм) ишлатилади, оддий нусхалашда эса ултрабинафша (380-400нм) қўлланилади. Бу пластиналар ададга чидамлилиги , тасвирнинг юқори линиатурада ёзилиши билан алоҳида ажралиб туради. Оддий нуқтанинг минимал ўлчами 4,8 мкм ни ташкил этади. Бунда 1% ли растр ва думалоқ нуқта 600 1ри линиатурага мос тушади. Агар ададга чидамлилигини ошириш талаб қилинса, у ҳолда куйдирилади. Пластиналарга ишлов бэриш оддий ёруғликда бажарилади ( қоронғу хона талаб қилинмайди ).

TR830 пластиналари 60 сек. давомида 140 0C да ишлов беришдан олдин дастлабки қиздиришни талаб қиласди.

*1-жадвал*

<b>номи</b>	<b>афзаллиги</b>	<b>камчилиги</b>
<b>Кумуш диффузияси</b>	Лазернинг кучи ва арzonлиги билан оддий ва чидамли усулда экспонирлаш мумкин.	Ранги суркалади ададга чидамлиолтингугурт бўлганлиги учун очилтириш қиммат кимёвий эритма. Қизил чироқда ишлаши шарт.
<b>Кумуш галлоиди гибриди фотополимер билан.</b>	Қайта ишлангандан сўнг қолип оддий қолипдек тасвир ҳосил қиласди. Экспонирлаш ҳамма дастурда бор лазер билан ишлов бериш мумкин. Рақамли ва моддий усулда экспонирлаш мумкин.	Иккиламчи экспонирлаш давомида қиммат чиқариш машиналари керак бўлади.
<b>Ёруғлик сезувчи фотополимер</b>	Қайта ишлангандан сўнг қолип оддий қолипдек тасвир ҳосил қиласди. Бу эса операторлар томонидан аниқланади. Ишлатаётган қоплама қанақа ишига қараб суюқликда ишлов бериш мумкин.	Қайта ишлашдан олдин куйдириш зарур.
<b>Иссиклик сезувчи фотололимер.</b>		Қайта ишлашдан олдин куйдириш зарур.

## **Пластиналарнинг асосий техник хусусиятлари:**

Эммульсия тури- термополимер;  
асос материали- анодланган алюминий;  
қалинлиги- 0,14;0,2; 0,3; 0,38; 0,5 мм;  
ёруғлик спектори бўйича сезгирилиги:830 нм  
аналогли жараён- 380-400нм;  
рақамли жараён-750-880 нм;  
растрнинг максимал линиатураси - 300 1р1 гача;  
куйдиришсиз ададга чидамлилиги-250000;  
куйдириш билан ададга чидамлилиги- 1000000 гача;  
ишлов бериш жараёни- негатив (позитив реактивлар қўлланильса ҳам);  
дастлабки қиздириш талаб қилинади;  
оддий ёруғликда ишлов берилади.

S-t-R системасининг оғсет қолип тайёрлашда юқори сифатли рақамли жараённи таъминлайдиган илк системаси Gutenberg ҳисобланади. Linotype-Hell фирмаси томонидан Drupa-95 ko'rgazmasida Gutenberg системаси намойиш этилган .Бу система «ички барабан» технологияси асосида бажарилган.

Ҳозирги кунда Heidelberg Rgerress ва Sgeo фирмалари қолип пластиналарини экспонирлашда Trendsetter рекордерларини ишлаб чиқаришмоқда. Унга Trendsetter 3230, Trendsetter 3244, Trendsetter A1\_, Trendsetter Spectrum моделлари ва уларнинг модификациялари, шунингдек Rlatesetteg 3244 рекордерлари киради. Бу рекордерлар «ташқи барабан» технологияси асосида қурилган бўлиб, экспонирлаш учун 830 нм тўлқин узунликдаги лазер диод билан ишлайди.

Аниқ рангли тасвирни, майда растрларни юқори сифатли босиш билан бир қаторда ҳозиргача Р1Рнинг технологик имкониятлари чексиз. Гутенберг системасининг экспонирлаш қурилмаси ахборотни 2 та ўзаро боғланган RIR дан олади. Бундан ташқари, бу тизимнинг лойиҳавий ва технологик имкониятлари энг қийин буюртмаларни ҳам интенсив режимда қайта ишлаш имконини беради.

Лазерли экспонирланаётган пайтда оғсет пластиналар, диазопластиналарга нисбатан ёруғликка ўта сезгирир, шунинг учун лазерли экспонирлаш қурилмаси қоронги хонада ёки унда кассета бўлиши шарт, шунда пластиналар кундузги ёруғликда ҳам экспонирлаш қурилмасига ўрнатилиши мумкин бўлсин. Гутенберг рекордерлари асосан катта ўлчамга эга ва кундузги ёруғликда ҳам ишлатилади. Шунинг учун кас-сета ишлаб чиқилган ва кассетага 0,15 мм.ли 100та оғсет пластина сифади. 0,3 мм қалинликдаги тўлиқ ўлчамидан 60 таси сифади. Кассетани пластиналар билан

тўлдирилгандан сўнг унинг юзлари беркитилади. Шундан сўнг роликли кареткага ўрнатилган кассета ҳаракатланади ва этказиб бериш механизмига жойлашади. Автомат ҳимоя қофозини олиб ташлайди, пластинани кассетадан олади ва уни рекордернинг экспонирлайдиган қисмига этказиб беради. Навбатдаги жараён автоматик равишда амалга оширилади.

Рекордер учта узвий боғланган қурилмалардан иборат: киритиш; экспонирлаш; чиқариш.

Пластинани киритиш қурилмаси босма пластинасини ички барабанли экспонирлайдиган қурилманинг ўртасигача этказиб беради. Бу ерда пластина барабанга ўрнатилади, вакуум ҳосил қилинади, экспонирланади, шундан сўнг пластина чиқариш қурилмаси ёрдамида очилтириш секциясига юборилади.

Пластина ички барабанли экспонирлайдиган қурилмадан вертикал ҳолатда чиқади, чиқариш қурилмасига тезгина ўтказилади ва у ерда очилтириш машинасига тўғри кириши учун айлантириб қўйилади.

Экспонирлайдиган қурилмада пластинада тасвир ҳосил қилишидан ташқари штанцевание ҳам амалга оширилади.

Фойдаланувчи пластина типига қўра очилтириш машинаси турини танлайди. Ролушроме стх сингари юқори сезгирикка эга пластиналар учун 10 мВт ли экспонирлаш лазери керак бўлади.

Рекордернинг оптик системаси тасвиirlарни юқори аниқликда 1270, 1692, 2540 ва 3386 дпиэчимлиги билан ёзиш имконини беради. Бу системада 532 км ёки 1064 км ли ND UAG лазер нури (1) затвор (2) орқали ва акустооптик модульятор (4) ёрдамида модулланади. Талаб қилинадиган ечимга қўра (5) даги оптик ўққа ечимга қўра лазер нури апертурасини ўзгартирадиган линза ўрнатилади.

Лазер нурланиш қувватини фотодиод (6) назорат қиласи. Қувватли сусайтириш учун ва уни пластина ning ёруғликка сезгири ҳолатига мослаш учун (7) ва (12) тунелларда жойлашган ютувчи ёруғлик фильтрлари хизмат қиласи.

Кўзгу (9) қўзғалмас, кўзгу (8) эса ўз ҳолатини иккита координата ўқи бўйича ўзгартириши мумкин. Кўзгу (8) ҳолатининг ўзаришини пезоэлемент таъминлайди. Кўзгу (8) нинг чекиниш қиймати ва йўналишини фотодиод датчик (11) аниқлайди. 10 ва 8 датчик орқали фазодаги нурнинг система элементларини корректуралайди. Бу хатолик 10 оптик головкасини механик ҳаракатланишига боғлик,. 9 ойна ўзининг лазер нурини 12 тунелдаги ёруғлик фильтрлари орқали ўтказиб 13 уни фокусировкалайди. Развертканинг растрқанорлари қолип пластиналарга вакуум системаси орқали

мустаҳкамланади. Қўзғалмай 17 барабаннинг ичида пентапризма айланиб ҳаракатланади.

Пентапризма 15-16 даги электр двигателга мустаҳкамланган. Тунел 12 ва 11 датчик 10 оптик головка билан бирга жойлашган.

### **Назорат саволлари**

1. Босма қолип тайёрлашни турлари, структураси ва схемалари.
2. Чуқур босмада қолип тайёрлаш технологияси тавсифи
3. Суюқ фотополимерли композитсиядан қолип тайёрлаш хусусиятлари.
4. Босма қолипни фотомеханик усул билан тайёрлаш
5. Силиндрик ва пластинкасимон полимер қолиплар.
6. Босма маҳсулот тайёрлашнинг асосий босқичлари.
7. Босма қолиплар классификатсияси.
8. Ёруғлик таъсирида нусха кўчириш қатламларидағи физик-кимёвий ўзгаришлар.
9. Босма маҳсулот тайёрлашнинг асосий босқичлари.

### **Адабиётлар**

1. Шеберстов В.И.технология изготовление печатных форм.М.,1999
2. Калибабчук В.А.Сулакова Л.И. Печатние форми на основе светочувствителних диазосоединие. Киев,1981
3. Никанчикова Е.А., Попова А.Л., технология офсетного производства. Изготовление печатных форм. М., 1998
4. Допечатние обоудование. М., МГУП,2000
5. Бабаханова Х.А. Териш ва босма қолип тайёрлаш ускунлари. Тошкент, ТТЕСИ, 2000й.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. [sifat.uz](http://sifat.uz)
6. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **5-Мавзу. Термопластиналарга тасвир ёзиш технологияси**

### **Режа:**

1. Термопластиналарга тасвир ёзиш ускуналари.
2. Термопластиналарға ёзиш вайшлов беріш технологик жараёни.

**Калит сўзлар:** технология, тўлқин, диапазон, экспонирлаш, лазер, энергия, пластина, инфрақизил, спектр, ёруғлик, термопластина, реакция, рекордер, технология, растр, элемент, пластина.

### **Термопластиналарга тасвир ёзиш ускуналари**

Анъанавий технологиялардан фарқли равишада S-t-Рда лазер кўринадиган тўлқин диапазонида ишлайди, термо экспонирлашда лазер нурининг иссиқлик энергиясидан фойдаланилади. Унинг ёрдамида босма қолип пластинаси юзасида тасвир нуқталари ҳосил қилинади.

TRENDSETTER ва PLATESETTERда кучли лазерли диод кўлланилади (тўлқин узунлиги 830 нм). Пластина фақат инфрақизил нурланиш спектрига таъсирланади ва кўринувчи ёруғликка сезгир эмас. Бу бир қанча қулайликлар яратади, чунки бундай пластиналар билан ишлашда қоронғи хона талаб қилинмайди.

Термопластиналар алюмин асосга суртилган эмульция қатламига эга. Лазер билан экспонирлашда эмульция қизиди, бу пайтда эмульцион қатламда кимёвий реакциялар ҳосил бўлади ва бу задубливаниени тезлаштиради.

Лазер билан экспонирланмаган майдонлар очилтиргич билан ювилади ва процессорда чўтка билан тозаланади. Навбатдаги куйдириш эмульцияни қаттиқлаштиради, бу эса босма қолипдан фойдаланиш муддатини узайтиради.

Очилтириш натижасида босма қолипдан ҳосил бўлган босилувчи элементлар босиши машинасида бўёқ билан мойланади.

Термопластиналарни экспонирлаш технологияси ёрдамида оғсет босма қолип тайёрлашда 3 та асосий қурилмадан иборат ускуна комплекси керак: термо экспонирлаш учун рекордер, куйдириш учун мослама ва пластиналарни очилтириш учун процессор (5-расм).

Босма қолипнинг сифати процессор ва ускуналарнинг қуйидаги хусусиятларига бевосита боғлик (6-расм):

\* рекордер учун - нурининг фокусировкаси, лазернинг қуввати, барабаннинг айланиш частотаси;

\* дастлабки күйдириш учун мосламада – ҳарорат (жуда юқори бўлганда - вуалланади, жуда паст бўлганда - тасвир қисмлари ювилиб кетади) ва транспортёрнинг тезлиги;


\* процессор учун - силжиш тезлиги (юқори бўлганда - вуалланади, паст бўлганда - тасвир қисмлари ювилиб кетади);

\* Очилтиргичнинг ҳарорати (жуда юқори - вуалланади, жуда паст -тасвир қисмлари ювилиб кетади, очилтиргичдан фойдаланиш муддати камаяди);

\* Очилтиргичнинг қўйилиш темпи (жуда юқори - кимёвий эритма йўқотилади, жуда паст -очилтиргичдан фойдаланиш муддати камаяди);

\* Очилтиргичнинг тайёрланган муддати (жуда эски -вуалланади);

**5-расм. Термопластиналаргя ёзиш ваишлов бериш технологик жараёни**



### **Термопластиналаргя ёзиш ваишлов бериш технологик жараёни**

Кўп тусли тасвирнинг растрланиши ва растр майдонлари юқори сифатли босма маҳсулот олишда асосий аҳамиятга эга. Босицгача бўлган рақамли технологияда растр нуқтаси турли формуласалар бўйича хисобланган дастурлар ёрдамида ҳосил қилинади.

1 - эмульсия қатлами (термополимер)

2 - алюмин асоси.

3 - лазер нури

4 - экспонирланган термополимер

5 - қиздирувчи элемент

6 - очилтирувчи эритма

8 - босма бўёғи.



**6-расм. Босма қолип тайёрлаш ускуналар комплекси**

S-t-R технологиясида растр нүктаси биринчи бўлиб босма қолип пластинасида ҳосил бўлади ва босиш жараёни натижаси учун асос бўлиб хизмат қиласи. Агар растр нүктаси силжиган бўлса ва босиш жараёнида унинг физик катталашишини сақлаш мумкин бўлмаса ёки намланиш ва бўйича чекланишини аниқлаш мумкин бўлмаса, бу силжишлар босиш жараёнида кучайиб бораверади. Растр нүктасининг силжиган кўриниши, айниқса, у босма қолипда қандай бўлиши ва олинган нусхада қандай бўлиши «растискиваниэ» дейилади.

«Растискивание» босиш жараёни нормал йўналишдан чекланишининг ва маҳсулот сифати пасайишининг асосий сабабидир.

Термопластиналар экспонирлаш энергиясининг факат маълум тўлкин узунлигига сезгир. Агар энергия кам бўлса, пластина экспонирланмайди: агар кўп бўлса, бунда ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Мана шундай («ҳайёк») рақамли хусусият ёрдамида қолипларнинг сифатини назорат қилиш мумкин.

Албатта, термоэкспонирлашнинг барча тизимлари бир хил эмас. Кўпгина тизимлар қўйидагича ишлай-ди: рақамли экспонирлаш бутунича растрга боғлиқ ҳолда квадратлар кўринишида хотирага жойланади, одатда 1 дюймга 2400та. Майда думалоқ растр нүкталари бир-бирига нисбатан шундай жойлашиши керакки, натижада керакли шаклдаги растр нүктаси ҳосил бўлсин, масалан, айлана, эллипс ва бошқалар. Экспонирловчи лазер нури доим думалоқ, бунда нуқта квадратли растр тўрига мос келмайди ва натижавий растрда бўшлиқ бўлмаслиги учун кўпроқ берилиши керак. Бу қолипдаги нуқта ўлчамларининг катталашишига олиб келади. Лекин шу нарса аҳамиятлики, бундай лазер нүктасининг энергияси марказдан бошлаб чеккаларига қадар камаяди. Шунга боғлиқ равишда пластиинанинг пластина экспонирланиши бошлайдиган энергия қиймати аниқ эмас.

Бу икки муаммолар - аниқликка, жараённинг муҳимлигига салбий таъсир кўрсатувчи лазер нүктасининг шакли ва унинг тарқалиш энергиясининг профили – Trendsetter ва Platesetter рекордерларида ҳал килинган.

Sreо фирмасининг натижаси шуки, пластина квадратли лазер нүктаси билан экспонирланади, бунда майдон бўйича лазер энергиясининг марказдан бошлаб чеккаларга фарқ, билан тарқалиши деярли йўқ. Ўзининг шаклига кўра квадрат нүкталар бир-бирига мос жойлашади ва керакли шаклдаги растр нүктасини олиш имконини беради. Бунда босиш машинасини созлаш вақти камаяди, чиқиндилар ҳам кўп бўлмайди. Растр нүктаси ва унинг ўзгариши билан босишида вужудга келадиган муаммолар деярли йўқотилади.

Пластиинани машинага ўрнатгандан сўнг ишни агадни босишдан бошлийвериш мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. Бир пичоқли қофоз қирқиши ускуналари қандай мақсадда қўлланилади?
2. Бир пичоқли қоғз қирқиши ускуналари қандай асосий механизмлардан ташкил
3. Кассетали буқлаш ускуналарида қандай самонакладлар қўлланилади?
4. Ясси стапелли самонакладнинг ишлаш принсиби қандай?
5. Айлана стапелли самонакладларнинг афзаллик томонлари нималардан иборат
6. Тахламлар самонаклади қандай принципда ишлайди?
7. Агрегатларнинг юритмаси қандай принципда ишлайди?
8. Буюртма ўзгарганда тахламга ишлов бериш агрегатларида қандай созлашлар амалга оширилади?

### **Адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Тошкент, 2007й.
2. Печатные системы Heidelberg. Брошюровочно-переплетное оборудование. Учебное пособие/ В.И.Бобров, Д.А.Пергамент М., МГУП, 2000г.
- 3.М.Усманов Брошюралаш-муқовалаш жараёнлари технологияси. 1, 2 қисм Т. 1999й.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. [sifat.uz](http://sifat.uz)
6. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **Глоссарий**

**Инновация, янгилик киритиш** (ингл. *innovation*)— бу (харидорлар томонидан талаб) махсулот сифатини ёки (ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб) технологик жараённи самарасини ортишига хизмат қилувчи янгиликни тадбиқ этиш.

**“Фан - технология - ишлаб чиқариш”** - интенсив иқтисодиёт занжирили фаолиятида асосий омил энг янги технологиилар, ишлаб чиқаришнинг янги принципларини яратишга хизмат қилувчи илм-фан омили.

**Инновация муҳити** - корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш.

**Инновация жозибадорлиги** - бу миллий иқтисодиёт самарадорлигининг муҳим йўналишидир.

**Инновация фаоллаштиришни** - фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий муҳитни яратиш

**Автотипия** – босилувчи ва оралиқ элементлари нисбий майдонини ўзgartириб ярим тусларни ҳосил қилиш усули.

**Автотип ранг синтези** – босма бўёқларининг тагликка суртилиши комбинацияси орқали олинадиган базавий рангларни аддитив фазовий аралаштириш йўли билан нусхада рангни ҳосил қилиш.

**Аддитив синтез** – турлича бўялган ёруғлик оқимларини аралаштириб ранг ҳосил қилиш.

**Растр нуқталари алифбоси** – растр нуқталари ва оралиқлар геометриясининг ифодаланиши: у бит карта билан ёки растр ячейкасининг синтез элементлари билан тўлиши тартиб рақами билан ифодаланиши мумкин.

**Амплитудали-модуллашган тузилмалар** – жойлашиш қадами жоимий бўлгани ҳолда фақат босилувчи элементлар майдонининг ўзгариши билан тавсифланадиган растрли матбаа тасвирларининг тузилмаси.

**Амплитудали-частотали тавсифнома** – электрик сигнал амплитудасини узатиш коэффициентининг унинг частотаси билан боғлиқлиги.

**Аналогли цветопроба** – тагликка кетма-кет равишда ҳаворанг, қирмизи, сарик ва қора бўёқларни кўчириш орқали рангларга ажратилган растрланган фотоколиплардан олинадиган цветопроба.

**Аналогли-рақамли ўзgartиргич** – махсус қурилма бўлиб, унда ток кучи, кучланиш ёки аналогли видеосигналнинг бошқа параметрлари билан ифодаланган тасвир майдонларининг туслари қийматлари рақамли кодга айлантирилади.

**Анизотропия** – объект хоссаларининг турли йўналишларда фарқланиши.

**Апертура** – сканерловчи тизимда парчаланиш элементи.

**Апертура бузилишлари** – сканерловчи доғ – апертуранинг якуний ўлчами билан ифодаланадиган бузилишлар.

**Ахроматик таркибий қисм** – алоҳида олинганида қулранг (нейтрал) рангни ҳосил қилувчи ёруғлик оқими энергиясининг бир қисми.

**Ахроматик** – рангсиз, рангнинг тозалиги ва тўйинганлигининг ноль қийматда бўлиши билан тавсифланади.

**Ахроматиклик** (кулранглик) – бўёқларнинг кулранг билан ифлосланганлик ўлчови.

**Базавий ранглар** – ҳаворанг, қирмизи, сарик ҳамда уларнинг жуфтли, учтали устма-уст юритилишлари рангли, шунингдек, қофнинг (тагликнинг) ранги.

**«Кулранг» баланси** – аслнусханинг ахроматик таркибий қисмини рангли бўёқлар билан бериш ишончлилигини таъминлаш.

**Бит карта** – тасвирни босиш, фотоқолип ёки босма қолип тайёрлаш қурилмаларини бошқарадиган мантиқий ноль ва бирликлар йифиндиси кўринишида ифодалаш.

**Сахифалаш** – сахифада матн, расм ва бошқа безаш элементларини нашриёт макетига мувофиқ жойлаштириш.

**Видеопроба** – ранги адад нусхаси рангига ўхшаш бўлган рангли монитордаги тасвир.

**Видеосигнал** – аналогли ёки рақамли кўринишида ифодаланган тасвирнинг электрик сигнали.

**ВНҚ** – видеоназорат қурилмаси, монитор.

**Юқори частотали коррекция** – майда детал ва контурларнинг кескинлиги ва геометрик аниқлигини яхшилаш учун тасвирнинг юқори фазовий частоталари соҳасида гармоник таркибий қисмлар қувватини ошириш.

**Растр нуқталари генератори** – видеосигналнинг кўп даражали аналогли ва рақамли қийматларини босиш, фотоқолип ёки босма қолип тайёрлаш қурилмасини бошқарувчи бинар сигналларга айлантирувчи қурилма.

**Гигантография** – растр линиатураси жуда паст бўлган тусли босма.

**Градацион тавсифнома** – нусха ва бошланғич тасвир туслари қийматлари орасидаги боғлиқлик.

**Иккиланиш** – нусхада босилувчи элементнинг пастроқ тўйинганликда ва асосийсидан силжиган ҳолда такрорланиши; оффсет резина ва босма қолип контакти зонасининг навбатдаги босма циклига нисбатан силжиши туфайли келиб чиқади.

**Дельта Е (ΔE)** – ранг фарқланиши тавсифномаси; замонавий колориметр ёки спектрофотометрнинг функционал параметри.

**Денситометр** – оптик зичликларни аниқлаш қурилмаси.

**Дерастрлаш** – а) автотип нусха босилувчи элементларини қўришда яхлит қабул қилиш; б) босилуввчи элементлар нисбий майдонини оптик зичликларга ҳисоблаб ўтказиш; в) обьектли муарни бартараф этиш мақсадида растрли тузилмани сусайтириш учун босма тасвирли аслнусхаларни паст частотали фильтрлаш.

**Дискретлаштириш** – тасвирни майдонларга бўлиш, унинг чегарасида туснинг қиймати ўртачалаштирилади; тасвирни растрлашда, модуляцияда ва видеосигнални аналогли-рақамли ўзгартиришда амал қилади.

**Хатолик диффузияси** – а) растрлаш услуби бўлиб, унда

**Дихроик кўзгу** – бўялган яримшаффоф қатламга эга кўзгу.

**Қўшимча ранг** – ушбу ранг билан аралашмаси кулранг (ахроматик) ранг берадиган ранг.

**Дуплекс** – а) турли рангли икки хил бўёқ билан босиш; б) қора ва кулранг бўёқ билан босиш.

**Бирлик майдон** – биттали растр нуктаси а оралиқ майдонига тенг бўлган матбаа растр нуктасининг босилган ва босилмаган майдонга эга қисми.

**Заливка** – сидирға бўёқ қатлами; автотипияда у босилувчи элементлар нисбий майдонининг 100% бўлишига мос келади.

**Берк розетка** – рангларга ажратилган тасвирлар мослашганда турли рангдаги растр нукталари билан ҳосил бўладиган босилувчи элемент марказда бўлган розетка.

**Тўлиш** – растр нукталарининг катталашуви натижасида нусхадаги оралиқларнинг камайиши ёки умуман йўқ бўлиб кетиши.

**Бўёқнинг ушлаб олиниши (қабул қилиниши)** – аввал юритилган бўёқ қатламишининг навбатдаги қатламни қабул қилиш хусусияти; оқ қофоз ва бошқа бўёқ қатламига қолипдан бир хил миқдорда бўёқнинг ўтиши юз фоизли бўёқ қабул қилинишига мос келади.

**Идеал бўёқлар** – спектрнинг фақатгина қизил, яшил ёки кўк майдонларида ёруғликни бир хил ютувчи бўёқлар.

**Имиджсеттер** – саҳифаланган матнли-тасвирли саҳифаларнинг фотоқолипини тайёрлаш қурилмаси; тузилишига боғлиқ ҳолда уч турда бўлиши мумкин: capstan – фотоматериални тотувчи; on-drum ва in-drum – пленкани тегишли равишда цилиндрнинг устига ва ичига маҳкамловчи.

**Оптик зичликлар интервали** – тасвирнинг максимал ва минимал оптик зичликлар фарқи.

**Кадрлаш** – аслнусханинг нашр саҳифасида жойлашадиган қисмини ажратиш.

**Квантлаш (даражা бўйича дискретлаш)** – тасвир элементини узлуксиз ўзгарувчи тузи қийматини дискрет қийматлар қатори – квантлаш шкаласи билан алмаштириш.

**Колориметр** – ранг координаталарини ўлчаш қурилмаси.

**Растрларнинг катталашувини компенсация қилиш** – уларнинг нусхадаги қийматини ҳисобга олган ҳолда растр нукталари майдонини камайтириш мақсадида тасвир сигнали, фотоқолип ёки босма қолипга олдиндан ўзгартириш киритиш.

**Конденсор** – манбанинг нурланишини жамловчи линза.

**Контактли растр** – растр функцияси тасвирига эга фотопленка.

**Тасвир контрасти** – қайтаришнинг (ўтказишнинг) максимал ва минимал коэффициентларининг нисбати.

**Босма контрасти** –  $(D_s - D_t)/D_s$ , бу ерда  $D_s$  ва  $D_t$  растр нүқталарининг нисбий майдони 80% бўлган заливка ва назорат шкаласи майдонининг оптик зичликлари.

**Фотоқолипнинг контрасти (контрастлик коэффициенти)** – тавсифли эгри чизик ишчи майдони қиялиги бурчагининг тангенси.

**Контратиплаш** – контактли нусха кўчириш рамаси ёки нусха кўчириш-кўпайтириш фотоаппаратида тасвирни бир фотоқатламдан иккинчисига кўчириш.

**Контурли тасвир** – а) нокескин ниқоблаш жараёнида кескин негатив ва нокескин диапозитивни фотографик қўшиш натижаси; фақат тасвирнинг тўқ жойларида босилувчи элементларнинг мавжудлиги билан тавсифланадиган қора бўёқ қолипи.

**Нусха кўчириш зичлиги** – фотоқолипдаги максимал оптик зичлик бўлиб, бунда экспонирлашнинг ушбу режимида қолип пластинасидаги нусха кўчирувчи қатламнинг дубление бўлиши таъминланади.

**Нусха кўчириш хусусиятлари** – нусха кўчиришнинг технологик нобарқарорлиги чегарасида фотоқолип растр нүқталари майдонини босма қолип элементлари майдонига ўтказилишини белгилаб беради; фотоқолипнинг оптик зичлиги ва элементларнинг кескинлик даражасига боғлиқ.

**Нусха кўчириш** – тасвирни фотоқолипдан босма пластинасида кўчириш.

**Линиатура (лин/см)** – растрли матбаа тасвирининг босилувчи ва оралиқ элементлари жойлашадиган ортогонал панжара частотаси.

**Бегона нақшлар (объектли муар)** – репродукцион жараёнда расмли аслнусха текстурасининг фазовий дискретлаштиришнинг бир ёки бир нечта частотаси билан интерференцион таъсирлашуви натижасида юзага келадиган паразит расм.

**Макет** – матн, расм ва безаш элементларининг жойлашуви кўрсатилган ҳолдаги саҳифанинг схематик тасвири.

**Никоб** – асосий тасвирни экспонирловчи ёруғлик оқимига таъсир қилувчи ёрдамчи тасвир.

**Никоблаш** – ёрдамчи тасвир-никоб билан фотографик қўшган ҳолда тасвирни коррекция қилиш.

**Репродукциялаш масштаби** – нусха ва аслнусханинг чизиқли ўлчамлари.

**Микроштрихли аслнусха** – тусли тасвирни ифодаловчи растрли нусха ёки гравюра.

**Мира** – имконли қобилиятни баҳолаш учун штрихли аслнусха (тест-объект).

**МКО** – ёритиш бўйича халқро комиссия.

**Монтаж** – босма қолипига кўчириш учун матнли ва расмли фотоқлипларни босма табоқ ўлчамида шаффоф тагликка жойлаштириш.

**Муар** – босишда мослаштирилидаган рангларга ажратилган тасвирлар растр панжараларининг интерференцион таъсирашуви натижасида нусхада юзага келидаган паразит расм.

**Тўйинганлик** – хроматик ранглар ранг тусининг ифодаланганлиги даражасини тавсифловчи катталик.

**Нокескин никоблаш** – детал чегараларини тўқ томондан кучайтириш ва/ёки ёргу томондан сусайтириш йўли билан тасвир деталларини ажратиб кўрсатишни таъминловчи жараён.

**Объектив** – объект тасвирини қуриш учун линза.

**ОЗУ** – тезкор эслаб қолиш қурилмаси.

**Оптик зичлик** – қайтариш (ўтказиш) коэффициентининг тескари ўнли логарифми; зичлик 1, 2, 3 ва ҳ.к. бўлганда тушувчи ёруғликнинг тегишлича ўндан, юздан ва мингдан бир қисми қайтарилади (ўтади); шаффоф тасвирили аслнусхаларда (слайдларда) ва фотоқолипларда 4,0 гача етиши мумкин.

**Растр нуқталарининг оптик катталашуви** – босилувчи элементлар чеккалари томонидан қофознинг қалинлигига диффузион ёйилган ёруғликнинг ютилиши натижасида оптик зичликнинг ўзининг назарий қийматидан ошиб кетиши, у Шеберстов-Мюррей-Девис формуласи ёрдамида аниқланади.

**Қайтарувчи аслнусха** – ношаффоф тагликдаги расмли аслнусха.

**Очиқ розетка** – марказда оралиқ элементга эга розетка.

**Нисбий майдон (%)** – босилувчи элемент нисбий майдони ва бирлик майдон билан ифодаланадиган растрли матбаа тасвири тусини баҳолаш ўлчови.

**Хотирада қоладиган ранглар** – нусхада ҳосил қилиш ишночлилиги расмли аслнусхасиз баҳоланиши мумкин бўлган ранглар.

**ПЗС** – зарядли алоқа қурилмаси.